# Кучъ — адолатда

2015 йил
27 ноябрь,
жума
№ 46 (559)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.

# НАМАНГАН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

**26 ноябрь куни халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.**

Бугун мана шу қадимий ва гўзал Наманган заминида сиз, азизларни соғ-омон, яхши кайфиятда кўриб турганимдан хурсанд бўлганимни билдириб, барчангизга, сизлар орқали бутун Наманган аҳлига юксак ҳурмат ва эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз, деди давлатимиз раҳбари ўз нутқининг аввалида.

Наманган деганда, кўз олдимизда аввало баланд Чотқол ва Қурама тоғларига туташиб кетган ям-яшил қир-адирлар, бепоён далалар, боғ-роғлардан иборат сўлим бир диёр намоён бўлади.

Бу заминнинг ранг-баранг табиати, турли бойликлари, кўҳна тарихи ва маданияти ҳақида узоқ гапириш мумкин. Лекин Наманганни ҳақиқий Наманган қилган унинг кўпни кўрган, меҳнаткаш ва пок ниятли халқи, десак, ҳеч қандай муболаға бўлмайди.

Наманган аҳли ўзининг бошқаларга ўхшамайдиган, бетакрор анъана ва қадриятлари билан азалдан шуҳрат қозониб келади. Бу элга мансуб бўлган хислатлар — инсонни қадрлаш, меҳр-оқибат, меҳмондўстлик, хушмуомалалик каби ажойиб фазилатларни ҳаммамиз яхши биламиз ва юксак баҳолаймиз, деди Юртбошимиз ва қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидлади.

Шахсан мен Наманган заминига ҳар сафар келганимда уни янгитдан кашф этгандек бўламан. Сизлар билан шу йилнинг ўзида икки марта — дастлаб март ойида, Президент сайлови арафасида ва яқинда, сентябрь ойида бўлган учрашувларимизни, бугунги ҳаётимиз, келажак режаларимиз, олдимизда турган вазифалар тўғрисида, фарзандларимиз тарбияси, дунёда юз бераётган воқеа-ҳодисалар ва уларга бизнинг муносабатимиз ҳақида мазмунли суҳбатлар қурганимизни ҳозир ҳам мамнуният билан эслайман.

Наманганнинг қадимий қиёфаси, асрий обидаларини оладиган бўлсак, буларнинг барчаси бу юртнинг бой ва кўҳна ўтмишга эга эканини яққол тасдиқлайди. Бу заминдаги Муғқалъа ва Ахсикент каби археологик ёдгорликлар, Наманган, Чортоқ, Чуст ва Учқўрғон шаҳарларидаги тарихий обидалар, бундан икки минг йиллар аввал пишиқ ғиштдан бунёд этилган Косон — Ахсикент ер ости сув тармоғи аждодларимизнинг улкан ақл-заковати, юксак маданиятидан далолат беради.

Бу диёрдан етишиб чиққан Бобораҳим Машраб, Нодим Наманготий, Ибрат, Чустий, Ҳабиб Саъдулла каби шоир ва алломалар бутун халқимизнинг фахру ифтихори ҳисобланади.

Бугунги кунда сизларнинг орангизда "Ўзбекистон Қаҳрамони" деган юксак унвон билан тақдирланган инсонлар, ўз касбининг устаси бўлган минглаб фидойи одамлар, эл-юртимиз ўртасида катта обрў-эътибор қозонган олимлар, ижодкор зиёлилар, маданият ва санъат намояндалари, моҳир спортчилар Ватанимиз шуҳратига шуҳрат қўшиб келмоқда, деди Ислом Каримов.

Халқимизнинг бебаҳо маънавий бойлигини, миллий урф-одат ва анъаналаримизни энг оғир замонларда ҳам асраб-авайлаб, келгуси авлодларга безавол етказишда Наманганга тенг келадиган ўлка ўзи камдан-кам топилади, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан. Шу боис Наманганнинг бой тарихини, бу заминда камол топган улуғ зотларнинг ибратли ҳаёти ва фаолиятини, бу юрт билан боғлиқ муҳим саналарни янада чуқур ўрганиш, уларни муносиб нишонлаш учун кенг кўламдаги илмий изланишларни амалга ошириш барчамизнинг бурчимиздир. Бу масала бўйича тегишли вазирлик ва идоралар ўз таклифларини ҳукуматимизга киритиши ҳар томонлама мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Бугунги учрашувимизнинг асосий мақсади, деб сўзини давом эттирди Президентимиз, Наманган вилоятини ҳар томонлама ривожлантириш йўлида амалга ошираётган ишларимизни танқидий баҳолаб, қўлга киритилган ютуқ ва марралар билан бирга мавжуд муаммоларни ечиш, қисқа қилиб айтадиган бўлсак, барчамизни ўйлантириб, ташвишга солаётган долзарб масалалар ҳақида сиз, ҳурматли депутат ва фаоллар билан атрофлича маслаҳатлашиб олиш, тегишли хулосалар чиқаришдан иборат.

Мажлисда кун тартибидаги асосий масалага ўтишдан олдин Наманган вилоятидаги бугунги аҳвол, турли соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган муҳим ўзгаришлар ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Наманган вилояти, бутун юртимиз қатори, сўнгги йилларда катта ривожланиш йўлини босиб ўтди. Бу фикрнинг тасдиғи сифатида кўп-кўп рақам ва мисолларни олиб келиш мумкин.

Агар фақатгина жорий йилнинг 9 ойлик якунларини таҳлил қиладиган бўлсак, ялпи ҳудудий маҳсулот 9 фоиз, саноат 17 фоиз, қишлоқ хўжалиги 5 фоиздан зиёд, қурилиш ишлари қарийб 12 фоиз, чакана ва пуллик хизматлар 13 фоиздан ортиқ ўсгани албатта эътиборга лойиқ.

Айтиш жоизки, Наманган вилоятини ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий нуқтаи назардан ривожлантириш масаласи давлатимиз, ҳукуматимизнинг эътибор марказида бўлиб келмоқда.

Бу ҳақда сўз юритар эканмиз, 2009 йили қабул қилинган, Наманган шаҳрининг меъморий қиёфасини тубдан яхшилаш, ижтимоий инфратузилма ва коммуникация тармоқларини ривожлантириш ва шу асосда шаҳар аҳолисининг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қаратилган дастур доирасида бажарган улкан ишларимиз барчангизга яхши маълум, деб ўйлайман, деди Ислом Каримов. Ушбу дастурга мувофиқ 140 га яқин янги объектлар ишга туширилиб, барча манбалар ҳисобидан қарийб 325 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди. Энг муҳими, бундай кенг кўламли қурилиш ва ободончилик ишлари вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида жадал амалга оширилмоқда.

Қисқа вақт ичида вилоят маркази бўлмиш Наманган шаҳрининг, барча туманларнинг қиёфаси тубдан ўзгаргани, таниб бўлмайдиган гўзал қиёфа ва чирой касб этганининг асосий ижодкорлари аввало Наманган халқи, Наманган жамоатчилигидир.

Айни шундай жонкуяр инсонларнинг ҳаракати ва астойдил меҳнати эвазига Наманганда амалга оширилган улкан янгиланиш ва ижобий ўзгаришлар юртимиз тарихида ҳақиқатан ҳам чуқур из қолдириб, келажак авлодларимиз қалбида миннатдорлик туйғуларини уйғотади, албатта.

Бугунги фурсатдан фойдаланиб, ана шу ишларга муносиб ҳисса қўшган барча инсонларга чин юракдан миннатдорлик билдиришни ўзимнинг бурчим деб ҳисоблайман, деди Юртбошимиз.

Сессияда Наманган вилоятида ўтган давр мобайнида эришилган ютуқ ва марралар қаторида кўпгина йўналишларда, соҳа ва тармоқларда камчиликлар, айтиш мумкинки, оқсоқлик ҳолатлари мавжуд эканини қайд этилиб, уларнинг сабаблари кенг таҳлил этилди.

Вилоят аҳолисининг ҳаётий эҳтиёж ва манфаатларини таъминлаш, катта умид билан ҳаётга қадам қўяётган ёшларимизнинг йўлини очиб бериш, вилоят ва туманларда бошқарув ишларининг самарасини ошириш нуқтаи назаридан кўзга ташланадиган нуқсонлар, хулоса чиқарадиган масалалар ҳақида очиқ фикр алмашиб олинди.

Айни вақтда вилоятда мавжуд бўлган жуда катта имкониятлар ишга солинмаётгани, энг ташвишли томони — кўп йўналишлар бўйича Наманган бошқа вилоятлардан орқада қолаётганини кўриб, афсусланишга тўлиқ асослар борлиги айтиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида вилоятда охирги йилларда иқтисодий ривожлантириш дастурларининг амалга оширилиши натижасида субвенция, яъни марказ бюджетидан ёрдам улуши камайган бўлса-да, унинг ҳажми ҳалигача юқори даражада сақланиб қолаётганига алоҳида эътибор қаратди. Бугунги кунда маҳаллий харажатларнинг 41 фоизи мамлакатимиз бюджети ҳисобидан қопланиб келаётгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Энг ачинарлиси, вилоятдаги 11 та тумандан 10 тасида бу кўрсаткич 60 фоиздан ошиб кетган. Айниқса, Косонсой, Тўрақўрғон, Уйчи, Янгиқўрғон туманларида бу масала ўта долзарб бўлиб қолмоқда.

Ҳолбуки, Наманганда ҳали ишга солинмаган шундай беҳисоб имкониятлар борлигини инобатга оладиган бўлсак, ўзингиз айтинг, бундай ҳолат сизларга ярашадими, деб таъкидлади Юртбошимиз.

Мажлисда вилоятда маъмурий-ҳудудий тузилиш масаласида юзага келган жиддий муаммолар ҳақида ҳам атрофлича фикр юритилди. Баъзи жойларда қаерда шаҳар, қаерда туман бошланадию қаерда тугашини аниқ билиб бўлмайди. Бу борада, айниқса, Наманган тумани ва Наманган шаҳрининг маъмурий чегарасини қайтадан кўриб чиқиш талаб этилади.

Амалдаги чегаралар шундай ўтказилганки, шаҳарнинг ривожланиши учун захира ерлар назарда тутилмаган ва бунинг оқибатида туман ва шаҳарнинг ерлари туташиб кетган. Энг ёмони, шаҳар ва туманлар раҳбарларининг ҳудудларни ривожлантириш масаласидаги масъулияти ва жавобгарлиги аниқ эмас. Бу масалани атрофлича кўриб чиқиб, унинг амалий ечимини топишимиз керак.

Мен сентябрь ойида Уйчи, Мингбулоқ, Тўрақўрғон туманларида бўлиб, вилоят раҳбарияти томонидан кўпгина соҳаларда оқсоқликка йўл қўйилганига, айни вақтда мамлакатимиз ҳукуматининг ҳам Наманганга эътибори бирмунча сусайиб қолганига ишонч ҳосил қилдим, деди Ислом Каримов.

Юзага келган бундай аҳволнинг сабаблари ҳақида гапирганда, аввало, вилоятда стратегик аҳамиятга эга бўлган, ташқи бозорга маҳсулот чиқарадиган йирик саноат корхоналарини қуриш масалаларига етарлича эътибор берилмаётганини таъкидлаш керак. Буни кейинги йилларда вилоятнинг ялпи ҳудудий маҳсулотида саноатнинг улуши атиги 11 фоизга яқинни ташкил этаётгани ҳам исботлаб турибди. Ҳолбуки, мамлакатимиз миқёсида бу рақам икки баробардан зиёд кўп бўлиб, 25 фоиздан иборат. Шунинг учун ҳам ҳозирги кунда Наманган вилоятининг мамлакатимиз саноатидаги улуши жуда паст даражада — бор-йўғи 2,7 фоиз бўлиб қолмоқда. Бу албатта ҳеч кимни қониқтирмайди.

Жорий йилда вилоятдаги 10 та йирик саноат корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 36 миллиард сўмга камайган, аҳоли жон бошига истеъмол товарлари ишлаб чиқариш эса мамлакатимиздаги ўртача кўрсаткичдан 1,7 баробар орқада қолган.

Энг ёмони, мавжуд корхоналарнинг аксарияти тўла қувват билан ишламаяпти. Бунга эса ишлаб чиқаришга корпоратив бошқарув тизимини жорий этиш, менежмент ишини тўғри йўлга қўйиш, бу борада замонавий усуллардан фойдаланиш бўйича деярли силжиш йўқлиги сабаб бўлмоқда. Натижада буюртма портфели номига шакллантирилмоқда, бир қатор корхоналарнинг молиявий аҳволи йилдан-йилга ёмонлашмоқда, уларнинг техника ва технологиялари эскилигича қолмоқда.

Бугунги кунда вилоят бўйича 327 та ёки жами саноат корхоналарининг 10 фоизи фаолият кўрсатмаётгани, 16 фоизи эса паст қувват билан ишлаётганини афсус билан қайд этишга тўғри келади.

Бу борадаги аҳволни холисона таҳлил қилиб айтадиган бўлсак, вилоятнинг кўпгина туманларида хомашё ва ишчи ресурслари, тегишли инфратузилмалар етарли бўлишига қарамасдан, замонавий саноат корхоналари барпо этиш бўйича ташаббус ва амалий ҳаракатлар деярли сезилмаяпти.

Шу муносабат билан илгари ҳам кўп бор айтган гапни яна такрорлашга тўғри келади — фақат пахта, ғалла ва сабзавот етиштириш, фақат аграр соҳа ҳисобидан янги корхоналар, уй-жойлар қуриш, пенсия, нафақа ва стипендияларни ўз вақтида тўлаш, ижтимоий эҳтиёжларни бажариш, кўпайиб бораётган аҳолимизни боқиш мумкинми, деди Юртбошимиз.

Ўзингиз бир тасаввур қилинг — 1991 йилда мамлакатимиз аҳолиси 20 миллион 500 минг киши бўлган бўлса, мустақиллик йилларида халқимиз 1,5 карра ўсиб, 31 миллиондан ошди.

Ҳаммамизга маълум, бизнинг ер ва сув бўйича имкониятларимиз чекланган. Агар мамлакатимизда ер ва сув ресурслари етарли бўлса, Ўзбекистоннинг бугунги ҳолати бутунлай бошқача бўларди. Ер ҳам, сув ҳам танқис бўлиб, экин майдонларининг аксарият катта қисми шўрланган, тупроқ унумдорлиги пасайиб бораётган ҳозирги мураккаб бир шароитда Ўзбекистон деҳқонларининг қаҳрамонона меҳнати, матонати, чидамига тан бериб, уларнинг олдида ҳар қанча таъзим қилсак, арзийди, деб таъкидлади Президентимиз. Лекин такрор ва такрор айтишни зарур деб биламан. Бизнинг энг устувор вазифамиз — бу таркибий ўзгаришлар сиёсатини олиб бориш, саноатни диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик модернизация қилиш, ахборот-коммуникация тизимларини кенг жорий этиш ҳисобидан иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини оширишдан иборат.

Давлатимиз раҳбари ўз нутқида айни шу мақсадда Наманган вилоятининг саноат салоҳияти ва инфратузилмасини кескин ривожлантириш бўйича 2016-2019 йилларга мўлжалланган махсус дастур устида бошланган ишлар ўз якунига етаётганини маълум қилиб, кенг кўламли бу дастур ҳақида тўхталиб ўтди.

Мазкур дастур 5 та асосий йўналишдан иборат бўлиб, биринчи йўналиш Наманган вилоятида янги саноат объектларини барпо этишга қаратилган 16 та йирик инвестиция лойиҳасини ўз ичига олади. Бу ҳақда гапирганда, Тўрақўрғон иссиқлик электр станциясини бунёд этиш лойиҳаси ҳақида алоҳида сўз юритиш ўринлидир. Биринчи босқичда, яъни, 2017 йилда ҳар бири 450 мегаватт қувватга эга иккита энг замонавий буғ-газ турбинасини ишга тушириш бўйича бугунги кунда жадал иш олиб борилмоқда. Иккинчи босқичда, яъни, 2020 йилда яна иккита ана шундай турбинани ишга тушириш кўзда тутилмоқда.

**(Давоми иккинчи бетда)**

# Қонун устуворлиги тараққиёт асосидир

***Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқимизнинг хоҳиш-иродаси, инсон ҳуқуқ ва манфаатлари, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган меъёрларини мужассамлаштирган ҳуқуқий қомусдир. Асосий қонунимиз хорижда ҳам юксак қадрланади. ЎзА мухбирлари хорижликларнинг бу борадаги фикрлари билан қизиқди.***

**Жэ Ву ЯНГ,**
*"Inha Gtep" компанияси менежери (Корея Республикаси):*

— Ўзбекистон билан гўзаллик саноати соҳасида яқин ҳамкорлик қиламиз. Мамлакатингизда иқтисодиётнинг барча соҳалари изчил ривожланаётганини, тадбиркорларнинг муваффақиятли фаолияти учун қулай шарт-шароит яратилганини алоҳида таъкидлашни истардим.

**(Давоми учинчи бетда)**

*Xabar*

# Ўзбекистон Республикаси Олий судида

**Суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишнинг қонунчилик асослари замон талабига мувофиқ такомиллашаётгани фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш самарадорлигини оширмоқда.**



Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 2 августдаги "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони асосида соҳага замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилаётгани тизимда ўзига хос янги босқични бошлаб берди. Жумладан, соҳада "E-Sud" — миллий электрон судлов тизими жорий этилгани фуқароларнинг ҳуқуқлари ўз вақтида тикланиши билан бирга уларнинг вақти ва маблағи тежалишига хизмат қилмоқда.

**(Давоми учинчи бетда)**

*Islohot va samara*

# Кафолатланган ижтимоий ҳимоя

## одил судлов самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда

**Кучли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш янги давлат ва жамият қуришда асос қилиб олинган ва амалда ўзини тўла оқлаган тамойиллардан биридир. Унинг моҳияти шундаки, аҳолининг барча қатлами давлат ва жамиятнинг доимий эътиборида бўлади.**

Суд тизимида ҳам соҳа ходимларининг ижтимоий ҳимояси мустаҳкамланаётгани иш сифати ва самарадорлигини оширмоқда. Бу борада Президентимизнинг 2012 йил 2 августдаги "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора тадбирлари тўғрисида"ги Фармони алоҳида ўрин тутмоқда.

Мазкур фармон ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 31 октябрдаги "Судьяларга, прокуратура органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ходимларига имтиёзли шартларда уй-жой сотиб олишга узоқ муддатли ипотека кредитлари бериш тартиби тўғрисидаги низомни ҳамда судьяларга, прокуратура органлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош Прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти ходимларига уй-жойларни ижарага олганлик (ижарага турганлик) учун ҳар ойлик пул компенсацияси тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида" ва 2013 йил 2 августдаги "Судьяларни ижтимоий муҳофаза қилишни ва ушбу лавозимга номзодларни ўқитишнинг ташкилий асосларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорларида бу борадаги чора-тадбирлар тизими белгиланди. Хусусан, судьяликка сайланган ёки тайинланган ходимлар учун Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнат ҳақи разрядлари, алоҳида меҳнат шароитлари учун лавозим маошларига ойлик устама ҳақ миқдори тасдиқланди.

**(Давоми учинчи бетда)**

# НАМАНГАН ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИ

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Ана шу улкан лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобидан биз нафақат Наманган вилояти, балки бутун Фарғона водийсининг иқтисодиёти ҳамда аҳолининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, шу асосда янги-янги ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш имкониятига эга бўламиз.

Дастурнинг иккинчи йўналиши вилоятда фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш қувватларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича 25 та инвестиция лойиҳасини қамраб олади. Уларнинг орасида Наманган шаҳридаги "Электр қурилмалари" акциядорлик жамиятининг ишлаб чиқариш қувватини оширишга қаратилган лойиҳа муҳим ўрин тутади. Шу аснода металл конструкциялар ва қуйи вольтли электр асбоб-ускуналари ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Учинчи йўналиш — маҳаллий ҳокимият идоралари ва тадбиркорлик тузилмаларининг саноат салоҳиятини ривожлантириш ва янги иш ўринларини яратиш бўйича ташаббуслари асосида тузилган бўлиб, унда 177 та лойиҳа ўрин олган. Уларнинг орасида Уйчи туманида хорижий инвесторлар билан биргаликда ташкил этиладиган ипак-трикотаж маҳсулотлар корхонаси, Наманган шаҳридаги "Камол-медфарм" масъулияти чекланган жамиятида маҳаллий шифобахш ўсимликлардан дори-дармон ва инъекция воситалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, "ФТ текстиль груп" масъулияти чекланган жамиятида эса пахта хомашёсидан ип-калава ва тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва бошқа истиқболли лойиҳалар диққатга сазовордир.

Дастурнинг яна бир муҳим йўналиши — муҳандислик коммуникациялари ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини қуришга доир бир қатор лойиҳалардан ташкил топган. Шулар қаторида Поп туманида электрлаштирилган "Ангрен — Поп" темир йўли подстанцияларини электр билан таъминлайдиган иншоотларни барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, вилоятдаги фойдали қазилма конларини аниқлашга қаратилган геология-қидирув ишларини босқичма-босқич амалга ошириш ва ривожлантиришга оид чора-тадбирлар ҳам мазкур ҳужжатнинг узвий бир қисмини ташкил этади. Бу борада фойдали қазилма конларини топиш эҳтимоли бўлган Поп, Чуст, Косонсой, Янгиқўрғон, Чортоқ туманларида геология-қидирув ишларини давом эттириш ва уларнинг ҳудудида янги корхоналар қуриш мўлжалланмоқда.

Ёдингизда бўлса, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида Мингбулоқ туманидаги кондан нефть отилиб чиқиб, ҳаммамиз қандай қувонган эдик, деб фикрини давом эттирди Ислом Каримов. Лекин орадан кўп ўтмасдан, нефть чиқиши тўхтаб қолди. Мутахассисларнинг фикрича, бу кондаги нефть ернинг жуда чуқур қатламида жойлашган бўлиб, уни қазиб олиш учун энг замонавий ва ноёб ускуналар талаб этилади. Дастурда мана шу масала бўйича чет эллик ҳамкорлар билан қидирув ва қазиш ишларини давом эттириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ва молиявий манбалар белгиланган.

Мухтасар қилиб айтганда, ушбу дастур доирасида келгуси 4 йилда умумий қиймати 5 миллиард доллар бўлган 250 дан зиёд лойиҳани жорий этиш ва шунинг ҳисобидан 16 мингдан ортиқ иш ўрнини яратиш мўлжалланаётгани, ўйлайманки, бу соҳада амалга оширадиган ишларимизнинг кўлами ва миқёсидан далолат беради, деди Президентимиз.

Мажлисда вилоятда маҳсулотларни экспорт қилиш борасидаги вазият ҳам чуқур таҳлил этилди. Мисол учун, жорий йилнинг 9 ойида ҳудудий корхоналар томонидан 80 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиниб, прогноз кўрсаткичи 86 фоиз даражасида қолиб кетгани бу борадаги ишлар қониқарсиз эканидан далолат беради. Айниқса, Поп, Чуст, Чортоқ, Учқўрғон, Наманган туманларида бу масала ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Бундан ташқари, фермер хўжаликлари томонидан етиштирилган мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт қилиш бўйича ишларни ҳам, афсуски, бирорта туманда қониқарли йўлга қўйилган, деб бўлмайди.

Барчамизга яхши маълум, одамларни, аввало, ёшларни иш билан банд қилиш, шунинг ҳисобидан даромад топишда, аҳолининг оғирини енгил қилишда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси муҳим ўрин тутади, деб қайд этди Ислом Каримов.

Жорий йилда вилоятда хизматлар соҳасидаги ўсиш қарийб 120 фоизни ташкил этиб, ялпи ҳудудий маҳсулотда уларнинг улуши 50 фоиздан ошганини албатта ижобий баҳолаш лозим. Бироқ, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда, хизматлар ҳажми мамлакатимиздаги ўртача кўрсаткичдан икки баробар паст экани бу тармоқни ривожлантириш учун ҳали кўп иш қилиш зарурлигини кўрсатади.

Мавжуд ҳолатни ўзгартириш учун вилоятда келгуси уч йилда хизматлар соҳасида 600 та лойиҳани амалга ошириш режалаштирилмоқда. Уларнинг аксарияти алоқа ва ахборот, компьютер хизматлари, банк, аудит, суғурта, молиявий лизинг каби замонавий сервис турларини қамраб олиши билан эътиборлидир.

Бугунги кунда ҳар қандай давлатнинг тараққиётини иқтисодиётнинг қон томири бўлган замонавий транспорт-коммуникация тармоқларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу борада Наманган вилоятида, бутун Фарғона водийсида қандай улкан ишларни амалга ошираётганимиздан сизлар яхши хабардорсиз, албатта, деди давлатимиз раҳбари. Айниқса, 123 километр узунликдаги "Ангрен — Поп" электрлаштирилган темир йўлининг қурилиши Ўзбекистонимиз ҳаётида улкан тарихий воқеа бўлиши шубҳасиз. Денгиз сатҳидан қарийб 1,5 минг метр баландликда жойлашган, мураккаб тоғ тизмаларини кесиб ўтадиган, 19 километрдан зиёд тоннелни ўз ичига оладиган, хитойлик шерикларимиз билан ҳамкорликда барпо этилаётган ушбу ноёб лойиҳа бўйича ҳозирги вақтда 104 километр йўл қуриб битказилди.

Бу замонавий коммуникация тармоғи Фарғона водийсини мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари билан темир йўл орқали ишончли боғлаш имконини беради. Айни вақтда у Европа ва Осиё қитъаларини бирбири билан боғлайдиган трансмиллий транспорт йўлагининг энг муҳим бўғинига айланиши билан ҳам муҳим стратегик аҳамиятга эгадир.

Шунингдек, вилоятда яқин 5 йил ичида 130 километрдан ортиқ автомобиль йўллари, қатор йўл ўтказгичлар, транспорт инфратузилмаси объектлари қуриш режалаштирилмоқда.

Сессияда иқтисодиётимизнинг ҳал қилувчи тармоқларидан бирига айланиб бораётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси Наманган вилоятида изчил ривожланаётгани алоҳида эътироф этилди. Ҳозирги кунда ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида бу соҳанинг улуши 80 фоизни ташкил этмоқда, иш билан банд аҳолининг 82 фоиздан зиёди ушбу секторда меҳнат қилмоқда.

Шу билан бирга, бу соҳада айрим муаммолар борлиги ҳам мажлисда қайд этилди. Масалан, вилоятда рўйхатга олинган 14 минг 765 та кичик бизнес субъектининг 2 мингдан ортиғи фаолият кўрсатмаяпти. Кичик бизнес субъектлари ўз ишини ташкил этиши учун уларга бинолар, ер участкалари ажратиш, муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш масалаларида ҳали-бери тўсиқ ва ғовлар учраб турибди.

Энг ёмони, турли назорат идоралари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолиятига ноқонуний аралашиш ҳолатлари кўзга ташланмоқда. 2015 йилнинг ўтган даврида назорат органлари томонидан тадбиркорлик субъектлари фаолияти юзасидан 45 та ноқонуний текшириш ўтказилгани аниқланган. Бу соҳани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида яқинда қабул қилинган қонун ҳужжатларидан сизлар хабардорсиз, деб ўйлайман, деди Юртбошимиз.

Бугун, мана шу минбардан туриб, яна бир бор айтмоқчиман: бу ҳужжатларда тадбиркорлик йўлига тўсиқ ва ғов бўлган мансабдорларни нафақат ишдан олиш, балки жавобгарликка тортиш бўйича ҳуқуқий нормалар киритилган. Агар кимки ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, тадбиркорларга ёрдам бериш ўрнига уларнинг фаолиятига тўсиқ қўядиган бўлса, қулоғига қўрғошиндек қуйиб олсин: бу масала бўйича сўров ва жавобгарлик қаттиқ бўлади, деди Ислом Каримов.

Мажлисда алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, азал-азалдан ўзининг деҳқончилик маҳорати, миришкорлик фазилатлари билан шуҳрат қозонган Наманган аҳли қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам эътиборга лойиқ ютуқларга эришмоқда.

Ҳозирги вақтда вилоятда қарийб 5 минг 500 та фермер хўжалиги мавжуд бўлиб, кейинги уч йилда уларнинг 2 минг 730 таси кўп тармоқли хўжаликка айлантирилди. Бунинг натижасида қишлоқ жойларда 17 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилгани айниқса аҳамиятлидир.

Вилоятнинг миришкор деҳқон ва фермерлари 2015 йилда, барча қийинчиликларга қарамасдан, ғалла ва пахта бўйича шартнома мажбуриятларини адо этишга эришдилар, бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан ҳам юқори ҳосил олишга муваффақ бўлдилар.

Фурсатдан фойдаланиб, вилоятнинг деҳқон ва фермерлари, барча дала меҳнаткашларига фидокорона меҳнатлари учун ўз номимдан, халқимиз номидан самимий миннатдорлик билдиришни ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан, деди Президентимиз.

Бундай ютуқларда кейинги беш йил давомида 52 миллиард 300 миллион сўм ҳисобидан қарийб 88 минг гектар майдоннинг мелиоратив ҳолати яхшилангани, ҳеч шубҳасиз, энг муҳим омиллардан бири бўлди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида эришилаётган бундай ижобий натижаларни эътироф этар эканмиз, бу борада бир қатор жиддий камчиликларга йўл қўйилаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди, деб фикрини давом эттирди Юртбошимиз. Маҳаллий ҳокимликлар, Фермерлар кенгашлари томонидан фермерлар билан ишлаш, уларга ер майдонларини оптимал миқдорда ажратиб бериш, ердан самарали фойдаланиш ишлари талаб даражасида ташкил этилмаган.

Бугунги кунда пахтачилик ва ғаллачилик йўналишидаги 300 дан ортиқ фермер хўжалигининг ер майдонлари 70-80 гектардан кўп, яъни, оптимал даражадан юқори бўлиб, бунинг натижасида ана шу фермерлар ишни эплолмасдан, шартнома мажбуриятларини бажара олмасдан келмоқда. Мисол учун, жорий йилда пахтачиликда 272 та, ғаллачиликда 153 та фермер хўжалиги шартнома мажбуриятларини бажармаган.

Шунинг учун ҳозирги кунда вилоятда ердан самарасиз фойдаланган, шартнома мажбуриятларини бажармаган 400 дан ортиқ фермер хўжалигининг ер майдонлари оптималлаштирилиб, уларнинг негизида 800 дан ортиқ янги фермер хўжаликлари ташкил этилмоқда. Пахта ва ғаллачиликда ўртача ер майдони 49,5 гектардан иборат бўлмоқда. Бундай ишлар боғдорчилик ва сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида ҳам олиб борилмоқда. Бунинг натижасида вилоятда 20 мингдан ортиқ қўшимча иш ўрни яратилиши кутилмоқда.

Наманган заминида ғўза ва ғалла навларини ҳар бир ҳудуднинг табиий ва иқлим шароитини ҳисобга олмасдан, нотўғри жойлаштириш ҳолатлари кузатилмоқда. Янги ва истиқболли навларни синаш ва районлаштириш, қишлоқ хўжалиги машина ва трактор паркини янгилашга етарлича эътибор берилмаяпти. Шу билан бирга, етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш масаласи ҳам қониқарли эмас. Буни мева ва сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш даражаси вилоят бўйича 17 фоизни ташкил этаётгани ҳам исботлаб турибди.

Вилоятда чорвачилик ва паррандачилик тармоқларининг маҳсулдорлик кўрсаткичи мамлакатимиз бўйича энг охирги ўринга тушиб қолгани барчамизни, биринчи навбатда, маҳаллий раҳбарлар, депутат ва фаолларни ташвишга солиши керак.

Бугунги кунда Наманган вилоятининг аҳолиси қарийб 2 миллион 600 минг кишини ташкил этмоқда. Кейинги 5 йилда вилоят аҳолисининг сони 10 фоизга ўсди. Табиийки, ҳаёт ўзгариши билан ана шу инсонларнинг талаб ва эҳтиёжлари, орзу-ниятлари, керак бўлса, ташвиш-муаммолари ҳам ортиб боради. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, вилоятда аҳолининг реал даромадлари 2009 йилга нисбатан жон бошига икки баробар кўпайгани, шу даврда ўртача ойлик иш ҳақи қарийб икки ярим марта, пенсия ва ижтимоий нафақалар салкам уч марта ортганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Айни пайтда аҳолига хизмат кўрсатадиган ижтимоий инфратузилмалар тармоғини кенгайтириш бўйича ҳам эътиборга лойиқ ишлар қилинмоқда. Масалан, жорий йилда вилоятда 89 та ижтимоий соҳа ва инфратузилма объекти фойдаланишга топширилди, кўплаб мактаблар, болалар спорти иншоотлари, лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, олий ўқув юртларида қурилиш ва реконструкция ишлари амалга оширилди. Шунингдек, вилоятнинг 34 та қишлоқ аҳоли пунктини ичимлик суви билан таъминлаш яхшиланди. Ана шу ишларни изчил давом эттириш мақсадида Наманган шаҳрида келгуси йилда 40 километр узунликдаги иккинчи сув тармоғини қуриш ва ичимлик суви тармоқларини модернизация қилиш кўзда тутилмоқда.

Кейинги йилларда вилоятнинг қишлоқ массивларида намунавий лойиҳалар асосида 4 мингдан ортиқ уй-жой қуриб фойдаланишга топширилди. Мазкур массивларда 216 километр ичимлик суви тармоғи, қарийб 100 километр электр, 186 километр газ тармоқлари ва 78 километр йўл ҳамда 114 та инфратузилма объекти барпо этилгани бу уйларда яшаётган одамлар учун қулай ҳаёт шароитларини туғдирмоқда.

Келгуси йилда вилоятда яна 911 та ана шундай замонавий уй-жойларни тегишли муҳандислик ва коммуникация тармоқлари билан бирга барпо этиш режалаштирилган бўлиб, бу қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Биз учун бебаҳо бойлик бўлган одамларимизнинг саломатлигини асраш ҳақида гапирадиган бўлсак, охирги йилларда вилоят шошилинч тиббий ёрдам маркази ва унинг туман бўлимлари, бир қатор янги шифохона ва поликлиникалар бунёд қилинганини таъкидлаш ўринлидир.

Шулар қаторида 15 миллиард сўм бюджет маблағлари ҳисобидан кўп тармоқли тиббиёт маркази ва онкология диспансери биноси, вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди.

Яна бир муҳим лойиҳа, яъни Наманган шаҳрида барча қулайликларга эга, Фарғона водийсида ягона бўлган Кардиохирургия маркази ташкил этилиб, қиймати 1 миллион долларлик замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганини алоҳида қайд этиш зарур. Бу эса аввallари Тошкент шаҳрида ёки хорижда амалга оширилган мураккаб тиббий операцияларни шу ернинг ўзида бажариш имконини бермоқда.

Наманган вилоятида аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, янги-янги спорт объектларини қуриш борасида ҳам катта ишлар қилинмоқда.

Яратилган ана шундай қулай шароитлар наманганлик ёшлар учун парвоз майдони бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, сўнгги пайтда уларнинг 36 нафари халқаро миқёсдаги спорт мусобақаларида фаол иштирок этгани, 26 нафари жаҳон ва Осиё чемпионатларининг ғолиб ва совриндорлари бўлгани, ҳеч шубҳасиз, барчамизни қувонтиради.

Биз учун катта ижтимоий аҳамиятга эга бўлган бандлик масаласи ҳақида гапирадиган бўлсак, вилоятда ҳар йили минглаб янги иш ўринлари ташкил этилаётганини албатта ижобий баҳолаш керак, деди давлатимиз раҳбари. Аммо шунга қарамасдан, бугунги кунда Наманганда 52 мингдан ортиқ киши доимий иш билан таъминланмагани барчамизни, аввало вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларини жиддий ташвишга солиши лозим. Аҳолини, айниқса, ёшларимизни иш билан таъминлаш, бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳамон долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Мисол учун, 2015 йилда касб-ҳунар коллежларини битириб чиққан ўғил-қизларимизнинг 17 фоиздан зиёди коллеж ва корхона ҳамкорлик тизими бўйича ҳалигача иш билан таъминланмаган.

Шу муносабат билан Президентимиз юртимиздаги барча вилоят, туман ва шаҳар ҳокимларига қарата қуйидагиларни таъкидлади: билиб қўйинглар, ўрта махсус ва олий ўқув юртларини битириб, ҳаётга йўлланма олган ёшларимизни замонавий иш билан таъминламасдан, ўз ҳолига ташлаб қўйиш — бу кечириб бўлмайдиган хато, ёш авлодимизга нисбатан хиёнатдир. Ҳар қайси ҳокимнинг фаолиятига, биринчи навбатда, у бошқараётган ҳудудда бу борадаги ишлар қандай йўлга қўйилганига қараб баҳо берилишини яна бир бор таъкидлаш ўринлидир.

Ҳаммамиз яхши тушунамиз, деди давлатимиз раҳбари, бугунги кунда Наманган аҳли олдида турган улкан вазифаларни бажаришда кўп нарса вилоят бошқарувида раҳбарлик вазифасида ўтирган шахсларга, энг аввало, ишни тўғри ташкил этиб, эл-юртни катта мақсадлар сари ўз ортидан эргаштира оладиган биринчи раҳбарнинг масъулиятига боғлиқ. Ана шу нуқтаи назардан қараб, вилоят ҳокими Баҳодир Юсуповнинг фаолиятига баҳо берадиган бўлсак, афсуски, охирги пайтларда унинг ишида ўзибўларчилик, бепарволик ва лоқайдлик, сусткашлик кайфияти кучайиб бораётганини кўриш мумкин, деди Ислом Каримов.

Маълумки, Б.Юсупов 7 йил давомида вилоятда биринчи раҳбар бўлиб ишлади. Намангандек катта бир вилоятга етакчи бўлиш масъулиятини ўз зиммасига олган бу шахснинг аввалambор кенг миқёсда фикрлашга, аҳолининг ташвиш ва муаммолари, дарди билан яшашга, энг муҳими, вилоятда турли соҳа ва тармоқларни бошқарадиган, ўзининг қўл остида ишлайдиган раҳбар ва мутахассисларни ягона бир мақсад учун бирлаштиришга қурби етмади.

Сессияда ташкилий масала кўрилди. Б.Юсупов Наманган вилояти ҳокими вазифасидан озод қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов тавсиясига кўра, вилоятнинг Мингбулоқ тумани ҳокими вазифасида ишлаб келаётган Хайрулло Бозоров Наманган вилояти ҳокими этиб тасдиқланди.

Президентимиз раҳбарнинг бугунги кундаги ўрни ва масъулияти, кадрларни раҳбарлик лавозимларига тавсия этиш масаласи ҳақида атрофлича тўхталиб, жумладан, қуйидагиларни баён этди.

Мен кўп марта айтган бир фикрни бугун яна бир бор такрорлашни ўринли деб биламан. Менинг мамлакат раҳбари сифатида зиммамга юкланган энг катта, энг оғир, шу билан бирга, ўта масъулиятли вазифа ҳақида гапирганда, бу аввало кадрларни раҳбарлик лавозимларига — бу вазирлик ёки тармоқ етакчиси бўладими, вилоят ёки туман раҳбарлари бўладими — танлаш ва тавсия қилишдан иборат. Бу сафар ҳам ана шундай оғир масъулиятли ишни бажаришга тўғри келганини ўзим учун яна бир синов деб биламан. Лекин бу синов, очиқ айтадиган бўлсам, барчамизнинг зиммамизга тушадиган синовдир. Нега деганда, ҳозиргина сизлар билан сайлаб-тасдиқлаб олган раҳбарни барчангиз яхши танийсиз, унинг қандай оилада, қандай муҳитда тарбия топгани, етакчилик хусусиятлари ҳақида у билан бирга ишлаган одамлар сифатида мендан ҳам чуқурроқ биласиз.

Шунинг учун, азиз дўстларим, қадрдонларим, бугун барчамиз катта бир масъулиятни зиммамизга олишимиз табиийдир. Бугун ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган улкан вазифаларни ҳал этишда сизлар янги раҳбар атрофида бирлашиб, унга таянч ва суянч бўласиз, Наманган воҳасининг обрў-эътиборини янги босқичга кўтарасиз, деб ишонаман. Меҳнаткаш, ишнинг негизини биладиган, дину диёнатли Наманган аҳли шу борада ўзини кўрсатиб, кўпчиликка ўрнак ва намуна бўлади ва эзгу мақсадларига албатта етади, деди Президентимиз ўз нутқининг якунида.

Сессияда сўзга чиққан Наманган давлат университети профессори Турсунбой Файзуллаев, "Афрўз-Камол-Наби" масъулияти чекланган жамияти директори Собитхон Нўъмонов, Чуст туманидаги "Баймоқ" қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Мавлуда Имомова ва бошқалар Президентимизнинг нутқида Наманган вилоятида кейинги йилларда эришилган ютуқ ва натижалар билан бирга, кенг кўламли ислоҳотларни амалга ошириш борасида жиддий камчилик ва муаммолар борлиги, уларни ҳал қилиш йўллари чуқур таҳлил этилиб, вилоятни ривожлантиришнинг истиқбол режалари, шу йўлда Наманган аҳли олдида турган долзарб вазифалар аниқ-равшан кўрсатиб берилгани, уларни амалга ошириш учун бутун вилоят аҳолиси бир ёқадан бош чиқариб, ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилиши зарурлигини алоҳида таъкидладилар.

**ЎзА**

*Mezon*

# Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари

## қонун доирасида ҳал этилмоқда

**Мустақиллик йилларида мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Ушбу мақсад йўлида яратилган мустаҳкам ҳуқуқий база эндиликда мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишнинг энг муҳим омилларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.**

Айтиш керакки, 2014 йил 3 декабрда қабул қилинган "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун фуқароларнинг давлат органларига мурожаат қилиш тартибини янада такомиллаштириш, юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солишдаги ҳуқуқий бўшлиқни тўлдирибгина қолмай, ушбу соҳадаги қонунбузилиш ҳолатлари учун жавобгарлик чораларини ҳам белгилайди, давлат органларига, мансабдор шахсларга мурожаат қилишга қаратилган ҳуқуқ ва эркинликларни амалда таъминлашга хизмат қилади.

Мазкур қонуннинг 2-моддасида унинг амал қилиш тартиби белгиланган. Унга кўра, мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, хўжалик процессуал қонун ҳужжатлари ва бошқа қонунлар билан белгиланган мурожаатларга нисбатан татбиқ этилмайди. Чунки маъмурий жавобгарлик, фуқаролик-процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, хўжалик-процессуал муносабатлар алоҳида қонунлар билан тартибга солинади. Бундан ташқари ушбу қонун давлат органлари ва уларнинг таркибий бўлинмалари билан ўзаро ёзишмаларига нисбатан ҳам татбиқ қилинмайди.

Шунингдек, қонунда мурожаатлар ариза, таклиф ёки шикоят кўринишида бўлиши мумкинлиги қайд этилган. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг ушбу турлари ўзига хос фарқли жиҳатлари билан бир-биридан ажралиб туради.

Шунинг учун ҳам жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилаётган мансабдор шахслар ушбу хусусиятларга алоҳида эътибор қаратиши мақсадга мувофиқдир. Масалан, аризада жисмоний ва юридик шахсларнинг ўз ҳуқуқлари, эркинликлари, қонуний манфаатларини амалга оширишга ёрдам кўрсатишга оид илтимоси баён этилган бўлса, таклиф шаклидаги мурожаатлар давлат ҳамда жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олади. Шикоят эса, мурожаат қилувчининг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талабларини ифодалайди.

Таъкидлаш жоизки, "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун ушбу мақомдаги шахслар давлат органлари қаторида суд идораларига ҳам аризалар, таклифлар ва шикоятлар билан мурожаат этиш ҳуқуқини белгилайди.

Айни вақтда жиноят ишлари бўйича судлар жисмоний ва юридик шахсларнинг давлат органларига қилган мурожаатлари кўриб чиқилиши бўйича йўл қўйилган қонунбузарлик ҳолатлари юзасидан жисмоний ва юридик шахсларнинг қонун билан қўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади.

Дарҳақиқат, суднинг жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқиш борасидаги ваколатлари бошқа давлат органларидан ўзига хос хусусиятлари билан фарқлансада, улар инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилувчи асосий орган сифатида мурожаатлар, яъни ариза, таклиф ва шикоятларнинг қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши ва қонуний, асосли, адолатли тарзда ҳал қилишга қаратилган таъсир чораларини амалга оширади. Шу ўринда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, амалдаги қонун ҳужжатларига зид мазмунда қарорлар қабул қилиш, муайян ҳуқуқларнинг тикланиши ва мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик ёки жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти, юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш қонунга биноан жавобгарликка сабаб бўлишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Шунингдек, мурожаатларга оид қонун ҳужжатлари талабларини бошқача тарзда бузиш каби ҳолатлар, башарти, шахс ҳуқуқлари, эркинликлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ёхуд жамият ва давлат манфаатларига жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, жисмоний шахсни, унинг вакили, оила аъзоларини, юридик шахсни, унинг вакили ҳамда унинг оила аъзоларини улар давлат органи ва унинг муассасаси ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикри ва танқиди учун мансабдор шахс томонидан таъқиб этиш амалдаги қонунчиликка мувофиқ маъмурий ёки жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.

Маълумки, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддасида "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш" ҳолатлари юзасидан маъмурий жавобгарлик белгиланган. Бундай тартиб Жиноят кодексининг 144-моддасида ҳам мавжуд ва унга мувофиқ, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик кўзда тутилган.

Айтиш керакки, жорий йилнинг ўтган даврида жиноят ишлари бўйича Янгиариқ туман судида "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида"ги қонун талабларига риоя этмаслик ҳолатлари юзасидан 5 нафар мансабдор шахсга нисбатан қўзғатилган маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар кўриб чиқилди. Бу жараёнда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларига доир бузилган ҳуқуқлари тикланибгина қолмай, жавобгарларга нисбатан қонуний таъсир чоралари ҳам қўлланилди. Жумладан, туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими раҳбари А.Матқурбонов жами 5 та ҳолатда қонунбузарликка йўл қўйганлиги аниқланди. Унинг айби билан тумандаги "Шеробод Хоразм", "Абдуллаев Шохжахон", "Хўжаева Рўзигул", "Рўзмат балиқчи", "Жайҳун Марзия", "Мансурбек Шуҳрат" фермер хўжаликлари раҳбарлари И.Матёқубов, А.Абдуллаев, Р.Хўжаева, О.Рўзиматов, Ж.Тожиев, И.Раҳимов ҳамда фуқаро М.Каримовнинг мурожаатлари кўриб чиқилмасдан, ўз ҳолига ташлаб қўйилган. Аниқроқ айтганда, мурожаатларни кўриб чиқиш муддати узрли сабабларсиз бузилган, уларга ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юборилмаган. Шу аснода Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир қилинган.

Кези келганда шуни таъкидлаш керакки, мурожаат юзасидан қарор қабул қилган давлат органининг мансабдор ёки бошқа ваколатли шахси, агар жисмоний ёки юридик шахс қарорга рози бўлмаса, унинг устидан шикоят бериш тартибини тушунтириши талаб этилади. Бу эса, ўз навбатида, жисмоний ва юридик шахснинг бузилган ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятларини кенгайтиради ҳамда шу билан боғлиқ сансалорлик ҳолатларига чек қўяди.

Хулоса қилиб айтганда, мурожаатларни қонунда белгиланган муддатларда кўриб чиқиш ва адолатли ҳал этиш ҳуқуқбузарликларга чек қўйиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг тўлиқ ҳимоя қилиш, пировардида юртимизда ижтимоий адолат ва қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

**Ўктамбой МАШАРИФОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Янгиариқ тумани судининг раиси*

# Қонун устуворлиги тараққиёт асосидир

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Президент Ислом Каримов раҳнамолигида иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини мунтазам ошириш борасида амалга оширилаётган ишларда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Бош қомусида иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар, молия ва кредит тизими алоҳида бобларда баён этилган. Шу асосда ташкил этилган мулкчилик шакллари, қулай ишбилармонлик муҳити самарасида мамлакатингиз иқтисодиёти тобора ривожланиб бормоқда. Сўнгги ўн бир йилда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ўсиши муттасил 8 фоиздан юқори бўлаётгани бунинг ёрқин ифодасидир.

**Хоу ХИУПЕНГ,**
*"Nano Profi" корхонаси директорининг ўринбосари, (Хитой):*

— Хизмат тақозоси билан бир неча йилдан буён Ўзбекистонда истиқомат қиламан. Бу замин менга ўз она юртимдек азиз бўлиб қолган. "Nano Profi" турли ванналар, жакузи, душ хоналари ва гидромассаж ҳовузлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Ўзбекистонда тадбиркорлар фаолияти, бизнес режалари кенг қўллаб-қувватланаётгани, бу ерда хорижий ишбилармонлар учун катта имконият ва имтиёзлар мавжудлиги, бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асос яратилгани муваффақиятларимиз омили бўлмоқда. Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги стратегик ҳамкорлик муносабатлари изчил равнақ топаётгани биз, ишбилармонларнинг ўзаро алоқаларимиз тобора ривожланишига хизмат қилмоқда. Ўзбекистондек фаровон мамлакатда бизнес юритаётганимиздан ғоят мамнунмиз.

Хитойда қонунларга катта эътибор ва ҳурмат билан қаралади. Ўзбекистонда ҳам бу жиҳатга устувор аҳамият берилиши диққатга сазовор. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган Ўзбекистон Конституцияси мамлакат тараққиётининг асосини ташкил этмоқда.

**Дмитрий МАКАРАЙДИС,**
*Фуқаролик жамияти билан муносабатларни ривожлантириш бўйича эксперт, Греция парламенти вакили:*

— Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари ва мансабдор шахслари фуқароларга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб бериши лозим", деб белгилаб қўйилган. Бу борада "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун қабул қилингани ҳам диққатга сазовор. Бу омиллар Ўзбекистонда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқ ва ошкоралигини таъминлашга хизмат қилаётир.

Ўзбекистонда давлат органлари ахборот хизматлари фаолияти самарали ташкил этилгани бунинг ёрқин далилидир. Бу каби саъй-ҳаракатлар мамлакатингизни янада демократлаштириш, бозор ислоҳотлари ва иқтисодиётни либераллаштириш, суд ҳокимияти, сўз ва ахборот эркинлиги мустақиллигини мустаҳкамлаш, энг асосийси, фуқароларнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини оширишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Кордула Марианне ШМИГУН,**
*"Spaarmann" компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакили (Германия):*

— Компаниямиз логистика, божхона соҳасида расмийлаштириш ва халқаро юк ташиш йўналишларида хизмат кўрсатиш билан шуғулланади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар, мамлакатингиз Конституцияси ва бошқа қонунлари билан яхши танишман. Ўзбекистонда хорижий сармоядорларнинг фаол ва самарали иш юритиши учун қонун билан кафолатланган преференциялар, кенг имконият ва имтиёзлар яратилганини алоҳида таъкидлашни истардим. Бу омиллар хорижда кенг эътироф этилади.

Ўзбекистонда чет эллик ишбилармонларнинг фаолиятини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга молик. Бу омилларнинг барчаси мамлакатингизда иқтисодиётни изчил ва барқарор ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**Ирода УМАРОВА,**
*ЎзА мухбирлари*

*Xabar*

# Ўзбекистон Республикаси Олий судида

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг расмий веб-сайти ҳам замон талабидан келиб чиқиб такомиллаштириб борилмоқда. Яқинда сайтнинг янги версияси ишга туширилди. Шу муносабат билан ўтказилган анжуманда судьялар, тадқиқотчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Олий суд ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини такомиллаштириш бўйича тадқиқот маркази директори Н.Жўраев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида барпо этилган ҳуқуқий-демократик, эркин фуқаролик жамияти фуқароларнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечиришига мустаҳкам замин яратаётганини таъкидлади.

2014 йил 5 майдаги "Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида"ги қонун судлар фаолиятида очиқликни таъминлаш ҳамда судларда ахборот технологияларидан фойдаланиш борасидаги ишларни янада ривожлантиришга кенг йўл очди.

Олий суд янги веб-сайтининг афзалликларидан бири шундаки, у орқали фойдаланувчилар бир қатор интерфаол хизматлардан фойдаланиши мумкин. Бунга интернет-қабулхона, электрон кутубхона, умумий юрисдикция судлари интерактив харитаси, суд ходими бўш лавозимига резюме юбориш ва бошқа қатор хизматлар киради.

Хусусан, интерактив харита орқали фойдаланувчилар ўзлари мурожаат қилмоқчи бўлган суд манзилини осон топиши, умумий юрисдикция судлари тўғрисида батафсил маълумот олиши мумкин.

Электрон кутубхона орқали суд тизимига оид турли адабиётлар,




босма материаллар, мақолалар, таҳлилий, статистик материаллар, шарҳлар ва бошқа манбаларни муаллифи, асар номи ёки мақола сарлавҳаси орқали тезкор излаб топиш ва юклаб олиш имконияти яратилди.

Тадбир давомида "Жиноят ишлари бўйича суд ҳужжатлари" китобининг тақдимоти ҳам ўтказилди.

Маълумки, суд ҳужжатларини тўғри расмийлаштириш, уни амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштириш, процессуал норма ва қоидаларга риоя қилиш муҳим аҳамиятга эга. Янги услубий қўлланмада бу борада батафсил тушунтиришлар берилган ва суд ҳужжатларидан намуналарга ҳам ўрин берилган.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

**Муаттархон РЎЗИБОЕВА**

*Islohot va samara*

# Кафолатланган ижтимоий ҳимоя

## одил судлов самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Уларнинг даромадидан олинадиган солиқ тўловидан озод қилиш, айни пайтда имтиёзли шартлар асосида уй-жой сотиб олиш учун узоқ муддатли кредит бериш, турар жойлар ижараси бўйича ҳар ойда пул компенсацияси тўлаш тартиби жорий этилди.

Ваколат муддати тамом бўлган судьяларнинг аввалги ишига қайтиши ёки бундай иш мавжуд бўлмаганида олдингисига тенг бошқа иш билан таъминлаш ёхуд янги муддатга қайта тайинлаш учун уларнинг ҳужжатларини кўриб чиқиш даврида ёхуд янги ишга жойлашгунича уч ойлик ўртача иш ҳақи тўловлари кафолатланди.

Ижтимоий муҳофаза ва ижтимоий адолат мезонларини қарор топтиришга қаратилган бундай тадбирларни рўёбга чиқаришда 2014 йил 2и январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун яна бир муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Ушбу қонунга мувофиқ, амалдаги Меҳнат ҳамда Солиқ кодексларига, "Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида", "Судлар тўғрисида"ги қонунларга, "Суд ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази ходимларининг мансаб даражалари тўғрисида"ги низомга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Мазкур ислоҳотлар жараёнида замонавий демократик талабларга жавоб берадиган суд кадрларини танлаш ва тайинлашнинг самарали тизими яратилгани судлар фаолиятини такомиллаштиришда айниқса, муҳим ўрин тутмоқда. Жорий этилган тартибга кўра, судьялик лавозими учун белгиланган энг кичик ёш 25 дан 30 га қадар узайтирилди. Эндиликда судьялик вазифасига олий юридик маълумот ва шу ихтисослик бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда камида беш йиллик меҳнат стажига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари сайланиши ёки тайинланиши мумкин.

Бундай талаблар жуда муҳим бўлиб, инсон тақдирини белгилайдиган, Ўзбекистон Республикаси номидан ҳукм, ҳал қилув қарорларини чиқарадиган судьядан тегишли билим-малака ва тажрибага эга бўлишни талаб этади.

Судьялик лавозимига 30 ёшга етган фуқароларнинг тайинланиши зарур тажриба ва малака, мустақил дунёқараш, кенг фикрлаш, узоқни кўра олиш салоҳиятини ҳосил қилиш учун етарли муддатдир.

Бу каби чора-тадбирлар суд тизимида амалга оширилаётган ишлардан тубдан яхшиланиши, судьяларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятининг самарадорлиги ошишига хизмат қилмоқда.

**Баҳодир ПОЛВОНОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг судьяси*

*Saboq*

# Ноқонуний қўлланилган жарима

## суд томонидан эгасига қайтарилди

**Юртимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир тизимли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, амалга жорий этилган. Айниқса, тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашиш, уларга нисбатан асоссиз равишда маъмурий ва бошқа жазо чораларини қўллаш каби салбий ҳолатларга барҳам бериш ҳамда уларнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.**

**Келинг, фикримизни ҳаётий мисол ёрдамида давом эттирайлик.**

(Давоми тўртинчи бетда)

*Istiqlol imkoniyatlari*

# Тадбиркорларнинг қонуний манфаатлари

## амалда самарали таъминланмоқда

**Бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда турли бюрократик тўсиқларни бартараф этиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал ривожланиши учун мустаҳкам замин яратмоқда.**

Президентимизнинг 2011 йил 25 августда қабул қилинган "Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида айни шу йўналишдаги муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бинобарин, бюрократик тўсиқларни бартараф қилиш тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсатномалар бериш тартиботи тизимини такомиллаштириш йўналишларидан биридир.

Ҳақиқатан ҳам, кейинги йилларда юртимизда хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бизнес юритиш, иқтисодиётимизга маҳаллий ва хорижий инвестицияларни кенг жалб этиш учун зарур шароит ва қулай муҳит яратилмоқда.

Шуни қайд этиш жоизки, тадбиркорлик субъектлари томонидан рухсатнома олиш жараёнида тўланадиган харажатлар 8 баробар камайтирилди, банкларда ҳисоб рақами очиш учун тўловлар бекор қилинди.

Бу ҳақда сўз борганда, Президентимизнинг 2011 йил 24 августда қабул қилинган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармонига алоҳида тўхталиш лозим. Мазкур фармонга кўра, аввало, тадбиркорлик субъектларининг барча даражадаги давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари, тижорат банклари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқлари устуворлиги принципига амал қилинадиган бўлди.

Яъни меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлар фойдасига талқин этилиши белгилаб қўйилди. Бу, ўз навбатида, тадбиркор манфаатини ҳимоя қилишда ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Шунингдек, тадбиркорлик фаолияти субъектларини солиққа тортишда солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги бартараф этиб бўлмайдиган барча қарама-қаршилик ва ноаниқликлар солиқ тўловчининг фойдасига талқин қилиниши Солиқ кодексининг 11-моддасида қатъий белгиланди.

Тадбиркорнинг ҳақлиги презумпцияси мазмунини ифодаловчи мазкур қоидалар 2013 йил 7 октябрдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида"ги қонунга мувофиқ Хўжалик процессуал ҳамда Божхона кодексларига қўшимчалар тарзида киритилди.

Шу билан бирга, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида"ги қонуннинг 5-моддасига тегишли қўшимчалар киритилди. Хусусан, қонун ҳужжатларидаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган барча бартараф этиб бўлмайдиган зиддиятлар ва ноаниқликлар тадбиркорлик субъектининг фойдасига талқин этилиши белгиланди.

Президентимизнинг 2012 йил 18 июлдаги "Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида" Фармонига асосан, 2013 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектлари билан давлат ва назорат органлари ўртасидаги ўзаро муносабатларни халқаро андозаларга мос бўлган электрон тизим асосида амалга оширишга қаратилган тартиб белгиланди.

Яъни банк хизматидан фойдаланиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш, юкларни божхонада расмийлаштиришни тадбиркорлик субъектлари ўз хоҳишларига кўра, электрон шаклда амалга ошириш ҳуқуқига эга бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 ноябрдаги "Тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизмини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 2014 йил 1 январдан тадбиркорлик субъектларини интернет тармоғи орқали давлат рўйхатидан ўтказиш механизми, демакки, электрон рўйхатдан ўтказиш тартиби жорий этилди.

Шунингдек, мамлакатимизда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу боис кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жадал тараққий этиб, иқтисодиётимиз барқарор ривожланмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2014 йил 7 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасида инвестиция иқлими ва ишбилармонлик муҳитини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ҳамда 2014 йил 15 апрелдаги "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ва давлат хизматларини кўрсатиш билан боғлиқ тартиботларни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори айни шу мақсадларга қаратилгани билан ғоятда аҳамиятлидир.

Кейинги вақтда тадбиркорларнинг ҳуқуқий онги ва маданияти юксалиб, ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишга интилишлари кучайгани кузатилмоқда.

Буни фуқаролик ишлари бўйича вилоят ва туманлараро судларига мурожаатлардан ҳам билиб олиш мумкин.

Шу ўринда мисолларга эътибор қаратсак, даъвогар — "Қаҳрамон савдо сервис" масъулияти чекланган жамияти судга ариза билан мурожаат қилган. Ариза мазмунига қараганда, 2013 йил 1 январь куни масъулияти чекланган жамият ҳайдовчиси Х.Алижонов транспорт ҳодисаси содир қилган бўлиб, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2013 йил 15 июлдаги ҳал қилув қарори билан жабрланувчи А.Юлдашевга етказилган зарар тўлаб берилган. Шунингдек, МЧЖга қарашли автомашинани таъмирлаш учун 4 миллион 421 минг 295 сўм сарфланган. Ўз навбатида, жавобгар 14 миллион сўм моддий зарарни тўлаши ҳақида тилхат ёзиб берган. Даъвогар шуларни баён қилган ҳолда, жавобгардан 15 миллион 999 минг 467 сўм ундириб беришни сўраган. Суд мажлисида даъвони масъулияти чекланган жамияти раҳбари Ш.Раҳмонов қувватлаган.

Ишдаги ҳужжатларга кўра, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг 2013 йил 15 июлдаги ҳал қилув қарори билан Н.Ҳайдаровнинг фойдасига "Қаҳрамон савдо сервис" масъулияти чекланган жамиятидан автомашинага етказилган зарар — 9 миллион 538 минг 705 сўм ундириш белгиланган. Ушбу ҳал қилув қарорига қараганда, Н.Ҳайдаровнинг автомашинаси Х.Алижонов бошқарувида бўлган "Қаҳрамон савдо сервис" масъулияти чекланган жамиятига тегишли автомашина билан тўқнашиб кетиши натижасида А.Юлдашевнинг автомашинасига зарар етган. Шу боис, масъулияти чекланган жамияти томонидан етказилган зарар А.Юлдашевга ошиқча хавф манбаи эгаси сифатида тўлаб берилган.

Айтиш керакки, амалдаги Фуқаролик кодексининг 985-моддасига кўра, ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек, юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан, бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим.

Зотан, жавобгар Х.Алижонов ўзининг тушунтириш хатида "Қаҳрамон савдо сервис" масъулияти чекланган жамиятига ва А.Юлдашевга тегишли автомашиналарга етказилган 14 миллион сўм зарарни тўлаб бериш мажбуриятини ўз зиммасига олган.

Суд иш ҳолатлари ва қонун талабларидан келиб чиқиб, даъвони қисман қаноатлантиришни, даъвогарнинг фойдасига жавобгардан 14 миллион сўм ундиришни лозим деб топди.

Юқорида таъкидланганидек, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш фаолиятимизнинг асосий мезонидир. Чунки тадбиркорлик тараққий этса, юртимиз фаровон бўлади, одамларимизнинг яшаш шароити бундан-да яхшиланади. Биз барпо этаётган жамиятнинг мақсад-муддаоси ҳам аслида шу.

**Ҳусан МУЛЛАЖОНОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Сирдарё вилояти судининг раиси*

*Muloqot*

# Савол беринг, жавоб берамиз

***Айтинг-чи, мансабдор шахснинг суд томонидан қабул қилинган хусусий ажрим юзасидан тегишли чоралар кўрмаслиги қандай жавобгарликни келтириб чиқаради?***

**Ситора РАҲМОНОВА,**
*Навоий вилояти, Хатирчи тумани*

— Амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 181-моддаси талабига кўра, мансабдор шахс томонидан суд чиқарган хусусий ажримни (қарорни) кўриб чиқмаслик ёхуд ажримда (қарорда) кўрсатилган қонунни бузиш ҳолларини бартараф этиш чораларини кўрмаслик, худди шунингдек, хусусий ажримга (қарорга) ўз вақтида жавоб бермаслик — энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

***Фермер хўжликлари қандай ҳолларда тугатилади?***

**Элдор МИРЗАЕВ,**
*Тошкент вилояти, Оққўрғон тумани*

— Амалдаги "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуннинг 32-моддасида фермер хўжалигини тугатиш асослари белгилаб қўйилган. Унга кўра, фермер хўжалиги қуйидаги ҳолларда тугатилади:

фермер хўжалиги давлат рўйхатидан ўтказилган кундан эътиборан бир йил ичида ўз устав фондини уставда назарда тутилган миқдорда шакллантирмаганида, жумладан, фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаси бериш бўйича очиқ танловда фермер хўжалиги бошлиғи томонидан кўрсатиб ўтилган мол-мулк, техника ва пул маблағлари устав фондига киритилмаганида;

ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий воз кечилганида;

фермер хўжалиги банкрот деб топилганда, жумладан, моддий-техника ресурслари етказиб берувчилар, иш бажарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар билан ҳисоб-китоб мунтазам равишда амалга оширилмаганида;

фермер хўжалигининг бошлиғи вафот этиб, хўжалик фаолиятини давом эттиришни хоҳловчи меросхўр бўлмаса;

давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ёки ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун, жумладан, фермер хўжалиги ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланмаганида, хусусан, контрактация шартномасида назарда тутилмаган қишлоқ хўжалиги экинларини экканида ер участкасини олиб қўйиш зарурати бўлган тақдирда, ер участкасини ижарага олиш шартномаси белгиланган тартибда бекор қилинса.

***Айтинг-чи, жиноят содир этилишида гумон қилинган шахслар терговга қандай тартибда чақирилади?***

**Лола БЕРДИЕВА,**
*Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус тумани*

— Сизнинг саволингизга жавобан шуни айтиш лозимки, амалдаги Жиноят процессуал кодексининг 97-моддасида сўроқ қилиш учун чақирув тартиби белгиланган.

Унга биноан, гувоҳ, жабрланувчи, шунингдек, озодликда юрган гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчи суриштирувчига, терговчига, прокурорга ва судга чақирув қоғози билан чақирилади. Чақирув қоғози почта орқали жўнатилади ёки курьер орқали топширилади. Чақирув телефонограмма, телеграмма, радиограмма ёки телефакс орқали ҳам юборилиши мумкин.

Чақирув қоғозида шахс ким сифатида, қайси манзилга ва кимнинг ҳузурига чақирилаётганлиги, қайси кунда ва қайси соатга келиши кераклиги, шунингдек, узрсиз сабабларга кўра, келмай қолган тақдирда қандай оқибатлар рўй бериши кўрсатилган бўлиши лозим. Чақирув қоғози чақирилувчига топширилиб, тилхат олинади. Чақирув қоғози олиб борилганда чақирилувчи вақтинча йўқ бўлса, унга бериб қўйиш учун чақирув қоғози у билан бирга яшовчи вояга етган оила аъзоларидан бирига, ётоқхона маъмуриятига, уй эгасига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи вакилига топширилиб, тилхат олинади.

Қамоқда сақлаш жойларида, реабилитация марказларида, жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахслар сўроқ қилиш учун мазкур жойлар ва муассасаларнинг маъмурияти орқали чақиртирилади.

***Айтинг-чи, эр-хотин ўртасидаги қонуний никоҳ бекор бўлганда, банкда фарзандлар номига қўйилган омонат қандай ҳал этилади?***

**Дурдона ТЎХТАМУРОДОВА,**
*Ёзёвон тумани*

— Эр ва хотиннинг умумий мол-мулки ҳисобидан ўртадаги вояга етмаган болалар номига қўйилган омонатлар ўша болаларга тегишли бўлиб, эр-хотиннинг умумий мол-мулкини бўлиш даврида ҳисобга олинмайди. Вояга етмаган фарзанларнинг ихтиёрини қондириш учун олинган буюмлар бўлинмайди ва болалар эр ёки хотиндан қайси бири билан яшаса, унга конпенсациясиз берилади.

***Темирйўл хизматидан фойдаланишда болаларга нисбатан қандай имтиёзлар жорий этилган?***

**Малика ХУДОЙБЕРДИЕВА,**
*Хоразм вилояти, Урганч тумани*

— Амалдаги "Темир йўл транспорти тўғрисида"ги қонуннинг 12-моддаси бешинчи қисмига кўра, йўловчи поездда ўзи билан бирга беш ёшгача бўлган бир болани алоҳида жой берилмаган ҳолда бепул олиб юриш ҳуқуқига эга. Йўловчи билан бирга беш ёшгача бўлган биттадан ортиқ бола кетаётган бўлса, улардан бири бепул олиб юрилади, қолганлари эса чипта тўлиқ қийматининг 50 фоизи чегирилган, алоҳида жой берилган ҳолда олиб юрилади. Беш ёшдан ўн ёшгача бўлган болаларга ҳам чипта тўлиқ қийматининг 50 фоизи чегирилган ҳолда алоҳида жой берилади.

**Саволларга Марғилон шаҳар 3-сон давлат нотариал идораси нотариуси Шуҳрат АҲМЕДОВ жавоб берди.**

*Maslahat*

# Ҳуқуқий даъво нима?

Аввало шуни айтиш керакки, даъво деганда, ҳуқуқ ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатнинг ҳимоя қилиниши тўғрисида судга ёки бошқа ваколатли ташкилотга мурожаат этиш тушунилади.

Даъвогарнинг қандай мақсадни кўзлашига, нима тўғрисида қарор чиқарилишини суддан илтимос қилишига қараб даъволар икки турга — ундириш (олиб бериш) ва тан олиш тўғрисидаги даъволарга бўлинади.

Ундириш тўғрисидаги даъволарда даъвогар, биринчидан, муайян ҳуқуқни олишга ҳақли бўлишини белгилашни, чунончи, мулкка нисбатан эгалик ҳуқуқини олишга, тураржойдан фойдаланишга, вояга етмаган болани ўз тарбиясига олишга ҳақли бўлишини, иккинчидан, жавобгарнинг муайян ҳаракатларни қилиши, масалан, даъвогарга низоли мулкни топшириш, тураржойни бўшатиб бериш, болани тарбиялаш учун топшириши лозимлиги тўғрисида суд қарорининг чиқарилишини илтимос қилади. Агар суднинг қарори жавобгар томонидан ихтиёрий равишда бажарилмаса, қарор белгиланган тартибда ижро этиш учун топширилади. Шу туфайли бундай даъво ижро этиладиган даъво деб ҳам аталади.

Бундан ташқари эътироф этиш, тан олиш тўғрисидаги даъволарда даъвогар фақат низоли ҳуқуқнинг ўзига тегишли бўлишини тан олиши, низоли ҳуқуқий муносабатнинг мавжуд бўлгани ёки бўлмаганлигини илтимос қилади. Бундай даъволарда, масалан, даъвогар васиятноманинг ҳақиқий эмас, деб топилишини, асарнинг муаллифи деб эътироф этилишни суддан илтимос қилади. Тан олиш, эътироф этиш даъволарида даъвогар жавобгарни бирон-бир ҳаракат қилишга, масалан, мерос ҳиссасини ажратиб беришга, муаллифга қалам ҳақини тўлашга мажбур этиш тўғрисида қарор чиқаришни илтимос қилмайди.

**Султон ХОЛИҚОВ,**
*Олий суд катта консультанти*

*Saboq*

# Ноқонуний қўлланилган жарима

## суд томонидан эгасига қайтарилди

**(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)**

Наманган вилояти давлат санитария эпидемиология назорат маркази бош шифокорининг 2014 йил 6 августдаги буйруғига биноан 2014 йил 12 август куни марказ ходими Б.Мирзаев томонидан Тўрақўрғон туманидаги "Biryuza Group" қўшма корхонасида режали текшириш ўтказилади. Текшириш якунига кўра, марказ бош шифокорининг 2014 йил 3 сентябрдаги қарори билан қўшма корхона иш бошқарувчиси Давлатали Назаровга энг кам ойлик иш ҳақининг беш баробари миқдорида, яъни 538 175 сўм маъмурий жарима қўлланилади ва ундириб олинади. Лекин бу жарима амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 15, 53-моддалари талабига зид равишда қўлланилганди.

Бу ҳолат Наманган вилояти адлия бошқармасининг 2015 йил биринчи ярим йиллик иш режаси асосида вилоят ДСЭНМда тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши юзасидан ўтказилган ўрганишда аниқланди. Бинобарин, адлия бошқармаси томонидан ушбу қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш бўйича вилоят ДСЭНМга тақдимнома киритилиб, марказнинг 2014 йил 3 сентябрдаги Д.Назаровни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарори бекор қилинди. Шу билан бирга Д.Назаровга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судига даъво ариза киритилди.

Кези келганда шуни қайд этиш жоизки, амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 15-моддасида "Мулк шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотда муайян мансабни эгаллаб турган шахс, башарти унга раҳбарлик, ташкилий, фармойиш бериш, текширув-назорат вазифалари ёки моддий бойликлар ҳаракати билан боғлиқ бўлган вазифалар юклатилган бўлса, мансабдор шахс деб ҳисобланади", 53-моддасида эса, "Санитария қонун ҳужжатларини, санитария нормаларини, қоидаларини ва гигиена нормативларини бузиш — фуқароларга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача, мансабдор шахсларга эса — беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади" дея белгиланган.

Кўриниб турибдики, Давлатали Назаров иш бошқарувчи бўлса-да, бироқ мансабдор шахс саналмайди.

Бундан ташқари Фуқаролик кодексининг 15-моддаси талабига мувофиқ, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шу жумладан, давлат органи ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар давлат томонидан ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан тўланиши керак. Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг айби билан етказилган зарарларни қоплаш суднинг қарори билан шу мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин.

Шу боис суд томонидан Давлатали Назаров фойдасига ДСЭНМ ҳисобидан 538 175 сўм миқдорида моддий зарар, марказ бош врачи А.Раҳимовдан маънавий зарар ундириш хусусида ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятига асоссиз аралашувлар, уларнинг иш жараёнига қонунга хилоф тарзда халал бериш қонуний жавобгарликка сабаб бўлади. Зотан, тадбиркорларнинг имтиёз ва имкониятларидан унумли фойдаланган ҳолда самарали фаолият юритиши иқтисодиётимизни барқарор суратларда ривожлантириш, турмушимиз фаровонлигини янада юксалтиришнинг муҳим омилидир

**Алишер ҚЎЧҚОРОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Наманган туманлараро судининг судьяси*

**Хуршид СУЛТОНОВ,**
*"Куч — адолатда" мухбири*

**КУЧ—АДОЛАТДА**

*МУАССИС:* Ўзбекистон Республикаси Олий суди

*Бош муҳаррир:* Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

*ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:*

Шоюнус ГАЗИЕВ
Светлана АРТИКОВА
Қўчқор ТОҒАЕВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Замира ЭСОНОВА
Холмўмин ЁДГОРОВ
Ғайрат ХИДОЯТОВ
Азиз МИРЗАЕВ
Бобомурод РАЙИМОВ

*Навбатчи муҳаррир:* Сардор ҲАМРОЕВ

*Саҳифаловчи:* Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй**
**Тел.: (0 371) 239-02-55, 239-02-54**
**E-mail: kuch-adolatda@oliysud.uz**

Нашр индекси: якка тартибда - 574, ташкилотлар учун - 575.

Буюртма: Г-1122. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми: 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 6626.

1 2 3 4 Топшириш вақти: 20:00 Топширилди: 00:30